Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 105 (3606)
ПАЙШАНБА
11 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Идеология ишлари хроникаси

ҚАЁТБАХШ АСАРЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари бўйича Ҳамза район китобхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда полковник В. А. Попков доклад қилди.

Конференцияда сўзга чиққан Узбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институти сектор мудири, филология фанлари доктори М. М. Расулий, 18-армия сафида хизмат қилган ветеранлардан М. Г. Козуб, М. Ф. Фастешков, С. А. Постников ҳамда ТошМИ студенти Г. Бобожонова ва бошқалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари совет халқининг Улуғ Ватан уруши йиллари ва ундан кейин халқ хўжалигини тиклаш йилларидаги кураш ва ғалабаларни ҳақидаги ҳаяжонли китоблар эканлиги, бу ҳаққоний қиссалар совет халқига чуқур меҳр-муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошгани, уларни янги меҳнат зафарларига чорлаши ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Родриго Карасо Одионинг Коста-Рика Республикасининг президенти вазифасини бажара бошлаганлиги муносабати билан йўллаган телеграммаси эълон қилинган. Телеграммада самимий табрик, юксак ва масъулиятли вазифани бажаришда муваффақиятлар билдирилади.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов 10 май куни Кремлда ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ян Гавелкага Меҳнат Қизил Байроқ орденини топширди.

В. В. Кузнецов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев номидан Я. Гавелкани табриклади.

Шу куни В. В. Кузнецов Ватанига жўнаб кетиши муносабати билан Я. Гавелкани қабул қилди.

• Халқаро мавзуларда суҳбат

САМАРАЛИ ЯКУНЛАР—ЯХШИ ИСТИҚБОЛЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қилган расмий визити тугади. Барча холис сиёсий кузатувчилар бу визит халқаро қаётда СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар учунгина эмас, балки Европада ҳам, шунингдек бошқа қитъаларда ҳам халқаро кескинликни юмшатишнинг бутун жараёнини ривожлантириш учун янги кенг истиқболлар яратиб берган ғоят муҳим воқеадир, деб баҳо бермоқдалар. Худди шу нарса ГФР президенти В. Шеелга Л. И. Брежневнинг визитини «Тарихий аҳамиятга молик воқеа» деб айтиш учун асос берди.

Дарҳақиқат, бу визит ГФР билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасида қандай самаралар берганлигини олиб кўрайлик. Биринчидан, Қўшма Декларация имзоланди. Мазкур Декларацияда ҳар иккала томон «барча соҳаларда ўзаро муносабатларнинг сифатини ва даражасини янада оширишга ҳамда яхши қўшничилик ва тобора кучайиб борадиган ҳамкорлик келгуси авлодларнинг ҳам ишончли мулки бўлиб қолишига эришишга» аҳд қилганликларини билдирдилар.

Иккинчи томондан, экономика ва саноат соҳасида 25 йил муддатга СССР билан ГФР ўртасида узоқ ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартнома ҳар иккала мамлакатга узоқ муддатга мўлжалланган кенг миқёсда биргаликдаги лойиҳаларни тузиб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини беради. Жаҳонда энг катта Оскольск электрометаллургия комбинати, Могилевда химиявий толани ишлаб чиқарувчи комплекс синтез корхоналар, химия, энергетика, машинасозлик соҳасида бошқа йирик корхоналар қурилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Совет Иттифоқи билан

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трести билан 1-уйсозлик комбинати ва 2-уйсозлик комбинати, 6-қурилиш трести билан «Ташпромстрой» трести ўртасидаги социалистик мусобақа

„ИШЧИ ЭСТАФЕТАСИ“ — ЗАФАР ГАРОВИ

Барча бинокорлик ташкилотларида СССР янги Конституциясининг бир йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олмоқда. «Жилстрой» трестида бу меҳнат беллашувида 7 октябрга қадар 55 минг квадрат метр уй-жойларни монтаж қилиш ишларини тугаллашга аҳд қилган Ф. Третьяков бочилгидаги бригада пешқадамлик қилмоқда. Бригада 1 апрелга қадар 43.9 минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб, тўрт йиллик топшириғини бажарди.

Трест коллективи биринчи кварталда унумли ишлаб қувончли кўрсаткичларни қўлга киритди. «Жилстрой» трести бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш планларини шараф билан уддалади. Ўз кучлари билан эса 2 миллион сўмликка устиришга муваффақ бўлишди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича 600 минг сўмлик кўп иш бажарилди. Бундай муваффақиятга меҳнат унумдорлигини ўстиришга интилиш, бирорта ҳам қолоқларсиз ишлашга ҳаракат қилиш орқали эришилди. Уйсозлар планда кўзда тутилган 47569 квадрат метр ўрнига 50 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширишди.

Биринчи жуфт мусобақадош коллектив-лар сафига бу йил иккинчи уйсозлик комбинати ҳам қўшилди. У ҳозирча ўз мусобақадошлари даражасида меҳнат қила олмаяпти. Комбинат ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бош пудрат ишлари планини 140 процентга бажарган бўлса-да, квартал топшириғини уддалай олмади. Комбинат бошлиғи Э. Шоҳназаров буни бошқармаси янги тўртинчи қурилиш бошқармаси ўтказилганлиги билан изоҳламоқчи. Бундан ташқари ёрдамчи пудратчилар ярим миллион сўмлик ишни уддалашмади. «Ташсантехгазмонтаж» трести 318 минг сўмлик, «Узэлектромонтаж» трести 255 минг сўмлик ишни бажармади.

6-қурилиш трести билан «Ташпромстрой» трести ўртасидаги меҳнат беллашувида биринчи трест пешқадамлик қиляпти. 6-трест қурилиш-монтаж ишлари квартал планини бажарди.

Лекин трест бир қатор кўрсаткичлар бўйича планларни бажармади. Уй-жойлар, мактабгача болалар муассасалари қурилишида ишлар ўлда-жўлда. Кўп ишга туширилади-ган объектларда планлар бажарилмаяпти.

«Ташпромстрой» трестининг 63-қурилиш-монтаж бошқармаси квартал планини 87,4 процентга, 126-кўчма механизация колоннаси 80,7 процентга уддалади. Бу эса трестнинг умумий кўрсаткичларига салбий таъсир этди. Трест меҳнат унумдорлиги суръатини ўстирган бўлса-да, қолоқлар сафидан ўрин олди. Ёрдамчи пудратчилар ёмон ишлашди. «Узстальконструкция», «Ташпромстрой» трестида иш бажариш топшириғини 85.5 процентга, 93-трест 89,1 процентга, 4-трест 91 процентга, «Спецэлеватормельстрой» трести 61.8 процентга уддалади.

Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиши керак. Агар икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик бўлмаса қурилиш-монтаж ишларининг графиклари бузилади, давлат планларининг бажарилиши хавф остида қолади. » Ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун эса «Ишчи эстафетаси» шиори остида социалистик мусобақани кенг авж олдириш лозим.

1978 йил февраль — март ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари				
	«Жилстрой»	1-уйсозлик комбинати	2-уйсозлик комбинати	6	«Ташпромстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)					
а) бош пудрат бўйича	100,2	100,1	68,1	100,0	92,2
б) ўз кучлари билан	103,2	100,3	96,6	104,0	96,9
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)					
а) бош пудрат бўйича	107,3	215	140,0	80,5	90,6
б) ўз кучлари билан	105,6	133,3	94,4	100,4	103,3
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	103,1	103,5	85,2	97,4	105,2
Меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	108,2	21,5	97,6	101,8	111,0
Планни бажармаган бошқармалар сони					
а) бош пудрат бўйича	—	1	—	—	2
б) ўз кучлари билан	—	—	1	1	2
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	94,4	105,4	68,6	49,3	75,3
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	190				
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши.				7,9	
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	100,6	108,0	62,9	103,6	
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	7	18	3	4	
Ўртача баҳоси (балларда).	3,7	—	—	4,25	—
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	—	29	24	22	8

КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан руҳланган пойтахт партия ташкилотлари идеология ишини янада такомиллаштириш борасида муҳим вазифаларни белгилаб олдилар ва уни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов райони партия ташкилотлари район меҳнаткашлари орасида лекция ва агитация-пропаганда ишларини олиб боришни янада кучайтириб юбордилар. Районда лекция пропагандасининг кўлами ўсди, омма ўртасида ўқиладиган лекцияларнинг ғоявий-назарий савияси ошди. Районда олиб борилаётган кўпгина ишлар бунинг яқол далилидир.

Ана шу қарор асосида амалга оширилган тадбирлардан бири район агитатор-пропагандистлари ва сиёсий ахборотчилари учун «Социалистик экономикани ривожлантириш тўғрисида» бўлиб ўтган конференциядир. Конференцияда район ижроия комитетининг раиси Ғ. Рафиқов «Унинчи беш йилликда районда социалистик экономиканинг ўсиши» ҳақида доклад қилди.

Район прокурори А. Муҳаммадалиев эса районда содир бўлаётган айрим майда безорликлар, уларнинг олдини олиш ва кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди. Шунингдек, район агитатор-пропагандистлари ва сиёсий ахборотчилари учун «Социалистик экономикани ривожлантириш тўғрисида» бўлиб ўтган конференциядан сўнг район агитатор, пропагандистлари ва сиёсий ахборотчилари ҳозирги халқаро аҳвол тўғрисида маърузалар тинглашди.

Шу кунларда районнинг турли саноат корхоналарида ва ташкилотларида ранг-баранг мавзуларда лекция ва суҳбатлар, тематик кечалар ўтказиб турилди.

Районнинг «Маданият», «Коминтерн», «Пахта» маҳаллаларида Ўзбекистон ССР янги Конституцияси модда ва низомлари моҳияти ва аҳамиятини омма ўртасида кенг тушунтиришга бағишлаб лекциялар ўқилмоқда.

Айниқса, Абдулла Набиев номли маҳаллада ўтказилган ва ана шу мавзуга бағишланган кеча маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди. Кечада Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти илмий

Идеология ва ҳаёт

МАРОҚЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

коммунизм кафедрасининг доценти Мухтор Камолов Ўзбекистон ССР янги Конституцияси, «Яқин Шарқ масаласи» ва «Ҳозирги кунининг актуал проблемалари» мавзуларида қизиқарли лекциялар ўқиди. Шу институтнинг катта ўқитувчиси филология фанлари кандидати, доцент Ҳамидулла Ғафуровнинг «Совет турмуш тарзи» ва «Совет кишисининг маънавий қиёфаси» ҳақидаги лекцияси айниқса мароқли бўлди. У ҳозирги даврда ўсмирлар тарбияси масаласига алоҳида тўхталиб, ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш ҳамда уларни коммунизмнинг акив қурувчилари қилиб вояга етказишнинг муҳим аҳамияти ҳақида гапирди.

Бундай қизиқарли ва мароқли лекция ва суҳбатларни районнинг бошқа маҳаллалари мисолида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Шуниси қувончлики, турар жойларда бу иш планли, системали равишда аҳоли турли табақалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.



Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 127-ҳунар-техника билим юрти бирлашма учун ёш кадрларни етказиб бермоқда. Билим юртини тамомлаган кўпгина ёшлар ҳозир бирлашма цехларида баракали меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: билим юрти ўқувчилари амалий машғулот пайтида.

КАСБ МАҲОРАТИ БЕЛЛАШУВИ

Тўқимачилик дастгоҳини ким чаққон ва моҳирлик билан бошқара олади? Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган меҳнат маҳорати республика конкурсининг қатнашчиларини ана шу савол қизиқтирарди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан уюштирилган бу конкурснинг асосий вазифаси ўз касбининг устасларини аниқлаш билан чекланиб қолмай, балки республика ёшлари ўртасида тўқимачиликка янада кенгроқ қизиқиш уйғотиш, бу касбнинг ўзига хос сирларини оммалаштириш бўлди.

Конкурс қатнашчилари шаҳримизнинг бош майдонида бўлдилар ва доҳий В. И. Ленин ҳайкалининг пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тўқимачилик комбинатида бўлган касб маҳорати конкурсида Тошкент, Фарғона, Бухоро шаҳарларидаги корхоналарнинг вакиллари беллашдилар. Тошкент комбинатининг ёшларидан Л. Ким, Т. Егерь, З. Кутлучирина, С. Булатовалар қатнашиб яхши натижаларга эришдилар.

Катта корхонанинг машҳур тўқимачилари ўз шогирдларининг беллашувини қизиқиш билан кузатдилар ва уларнинг меҳнатдаги ғайратига муваффақият тилашдилар.

ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейи шарафига ўтказилган касб мусобақаси ғолибларига муносиб мукофотлар топширилди.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

„ҲАВО ДАРВОЗАСИ“ДА БИР КУН

Пойтахтимиз аэропорти Шарқдаги энг қадимий ва улкан ҳаво дарвозаларидан бири. У бугунги кунда маҳаллий ва иттифоқ ҳаво трассаларидан ташқари, кўпгина халқаро авиалинияларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Тошкент аэровокзали соатига 1200 дан ортиқ йўловчини қабул қилиб олмоқда ва жўнатиб қўймоқда.

Айниқса, янги аэровокзал биноси фойдаланишга топширилганидан кейин авиайўловчиларга учишдан олдин ва қўнишдан кейин хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, аэровокзал хизматчиларининг иш шароитларини яхшилаш, кўпгина жараёнларни механизациялаш ва ишни илмий асосда ташкил этиш имконияти вужудга келди. Фақатгина ўтган тўрт ой мобайнида Тошкент аэропорти 795 мингдан кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатди.

Бу ерда йўловчиларга яхши кайфият бахш этиш, учиш ва қўниш ишларини ташкил этиш, аэропорт турли хизмат бўлимларининг ўзига хос иш фаолиятлари кўпчиликни қизиқтиради. Шунинг учун ҳам республикамиз бош аэровокзалининг одатдаги иш кунларидан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бугун марказий ҳаво трассаларига училадиган аэровокзал комплексида Азиз Иброҳимов бошлиқ смена коллективи хизмат кўрсатмоқда. Одатда смена бошлиғи хонаси турли хил саволлар билан келувчи йўловчилар билан гавжум бўлади. Аммо бугун негадир бошлиқ ҳузурига кириш учун навбат кутаётганларни учратмадик. Билетлар ва юклар рўйхатдан ўтказилаётган, йўловчилар самолётларга чиқарилаётган жойларда ҳам хотиржамлик. Асабийлашган, шошиб югуриб юрган кишиларни учратмайсиз. Йўловчиларнинг қисқаларида ҳам мамнунликни хис этасиз.

— Об-ҳаво очиқ бўлганда, рейслар ўз вақтида учирилаётганда ҳамма вақт шундай бўлади, — дейди А. Иброҳимов. — Аммо бу қўпинча турли хизмат бўлинмаларининг ўз ишларини қандай ташкил этишларига ҳам боғлиқ.

Дарвоқе битта самолётни учишга тайёрлаш, уни йўловчилар билан бирга бошқа шаҳарга учириб юбориш ва қўнаётган самолётни қабул қилиб олишни таъминлаш учун ундан ортиқ хизмат бўлинмалари иштирок этади. Алоқа, ер хизматлари, марказий диспетчерлик, учишни ташкил этиш, об-ҳаво, ҳаракат, ёнилғи-мойлаш хизматлари, учиш отряди ва бошқа хизматлар ишини бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин.

Уч қаватли аэровокзал биносининг биринчи қаватида алоқа хизматига қарашли мўъжазгина табло хонаси жойлашган. Навбатчи оператор Ира Пулявина мураккаб электрон таблолар ҳолатини бошқариб турибди. Бу ерга алоқа хизмати телетайп бўлими ва марказий диспетчерлик хизматидан самолётларнинг учиши, қўниши, бошқа шаҳарлардан келиши каби фақат йўловчи учунгина зарур бўлган маълумотларгина маълум қилинади. Оператор рўпарасидаги жажжигина телевизорда регистрация залидаги катта табло ва ундаги ёзувлар кўриниб турибди. Таблода худди шу пайтда йўловчилар чиқарилаётган. билетлар рўйхатдан ўтаётган ҳамда яна бир соат ичида учиши ва рўйхат бошланишини кўрсатувчи рейслар ҳамда уларнинг вақти ёзиб қўйилган.

Иккинчи қават фақат бошқа шаҳарларга учувчилар учун. Қўйи қават эса келаётганлар ва уларни кутаётганлар учун. Шунинг учун ҳам у ерга бошқа табло қўйилган. Худди шу пайт оператор қиз ёнидаги радиомикрофон орқали алоқа хизмати телетайп бўлимидан хабар берилди:

— 3581-рейс Олмаотадан соат 11 дан 20 минут ўтганда келади.

Ира Пулявина шошилмасдан уни дафтарига ёзиб олди. Сал ўтмай ушбу хабар марказий диспетчерлик хизматидан ҳам бу ерга такрор маълум қилинди.

Олмаотадан учган самолёт ҳали ҳавода. Аммо турли шаҳарлардан Тошкентга худди шу дақиқада учиб келаётган самолётлар кабн, уни ҳам кутиб олишга ҳозирлик кўриляпти. Телетайп Тошкент аэропорти алоқа-информация хизматига бундай самолётлар Олмаотадан ёки Москва ва Симферополдан учган заҳотиёқ хабар берган. Аэровокзал комплексидан анча ичкарида — учиш-қўниш майдончаси тарафда жойлашган ҳаракат хизмати радиолокаторлар пунктида учаётган ва қўнаётган ҳар бир самолёт назорат қилиб турилибди.

Худди шу пайтда аэровокзал биноси ёнида Сочига учаётган ТУ-154 самолётига йўловчилар чиқарилмоқда. Билет ва юкларни рўйхатдан ўтказиш бўйича катта навбатчи Тоҳир Билолов ва Валентина Стекольниковалар ўз ишларини белгиланган пайтда тугалладилар. 2-галереядаги узунлиги 80 метрлик ҳаракатланувчи йўлкалар йўловчиларни тўғридан-тўғри самолётга боғловчи телескопик трап томонга ўтказмоқда. Бу ерда эса навбатчи Людмила Иванова йўловчилар билетини яна бир бор кўздан кечириб, уларни самолёт салонига ўтказиб юбормоқда.

Ниҳоят, барча йўловчилар ўз жойларини эгаллади. 35 метрга узайиб-қисқарадиган ҳаракатланувчи телескопик трап ҳам йиғиштириб олинди. 2-галерея биносининг юқорисида жойлашган ойнаванд хонали диспетчерлик пунктидан самолёт экипажига двигателни ишга туширишга рухсат берилди. Самолёт оҳиста ўрнидан қўзғалиб учиш майдонига йўл олди. Старт майдончасида эса яна бир диспетчерлик пункти учиш-қўнишга раҳбарлик қилмоқда. Ана учиш йўли бўшаши билан экипажга рация орқали старт майдончасидан учишга рухсат бериляпти. Бу диспетчерлик пункти самолёт 200 метр баландга кўтарилгунча раҳбарлик қилади.

Сочига учган бу самолёт ҳавога кўтарилиши билан ҳаракат хизмати диспетчерлик пунктидаги индикаторда унинг белгиси пайдо бўлди. «Круг» деб аталган индикаторлар ёнидаги диспетчер бу самолёт 1800 метр масофага кўтарилгунча уни кузатиб, экипаж билан алоқа боғлаб боради. Худди шу хонадаги яна бир бошқа диспетчер эса самолёт 1800 метрдан 4200 метр масофага кўтарилгунча кўзатувни ўз назоратига олади.

Сочига учган самолёт индикаторларда кўринмай қолди. У энди Тошкент аэропорти чегарасидан бошқа зонага ўтказилди. Бу самолёт белгиланган манзилга қўнгунча йўлларда жойлашган диспетчерлик пунктлари уни кузатиб ва бошқариб боради. Самода учиб юрган, йўловчилар манзилини яқин қилаётган сон-саноқсиз самолётларга ана шу тахлитда «хизмат» кўрсатилади. Учишга раҳбарлик қилишнинг ҳаракат хизмати диспетчерлик пунктида кеча-ю-кундуз ҳар дақиқада Тошкент осмонини «кузатиб» турилибди. Боя Олмаотадан учган 3581-рейс қўниш га рухсат сўраяпти. Ҳали у биздан 50 километр олисда. Аммо зум ўтмай қўнишни таъминлаш бўйича диспетчер А. П. Когиновнинг индикаторида ушбу самолёт белгиси пайдо бўлди. Айлана чизиққа нисбатан горизонтал ҳаракат қилаётган самолёт белгиси тобора «қўниш» деб ёзилган чизиққа томон яқинлашмоқда. Когиновнинг бутун диққат-эътибори унинг эсон-омон қўнишини таъминлашга қаратилган. Самолёт борти номери эса катта-катта рақамлар билан ёниб турибди. Айланалар сонига қараб, унинг яна неча секунддан сўнг қўниши аниқ. Индикатордаги танниш «нуқта» қўниш чизиғига яқинлашишига мувофиқ ҳолда бетон майдончага интилиб келаётган самолёт кўринди. Диспетчер билан экипажнинг гаплашувлари магнитофон лентасига ёзиб борилмоқда. Фотоплёнкалар ҳам самолётнинг қўнишдан олдинги ҳолатини индикатор орқали суратга олади. Зум ўтмай улкан ҳаво кемаси оҳиста қўниб, бетон йўлкадан югуриб ўтди. Аэровокзал биносида дикторнинг дона-дона қилиб айтган ёқимли овози самолётнинг нечанчи рейс билан, қаердан келганлигини эълон қилди.

Аммо бу билан иш тугагани йўқ. Ушбу самолёт ҳали аэровокзал ёнига келиб тўхтамасданоқ унишини ташкил этиш бўлимида янги режалар тузиб чиқилмоқда. Илгаридан тайёрланган жадвал бўйича у яна икки соатдан сўнг Ашхободга ўчиши керак. Шунинг учун ҳам ҳозир унинг техник ҳолати кўриб чиқилади, зарур хизматлар кўрсатилади, заправка қилинади-да аэропорт марказий диспетчерлик пункти ихтиёрига топширилади. Бу ердан эса аэровокзалнинг турли хизмат бўлинмаларига бу самолётни Ашхободга учиришни таъминлаш учун тегишли кўрсатмалар берилди.

Таблоларда янги ёзувлар пайдо бўлди, радиодиктор билет ва юкларни рўйхатдан ўтказишни эълон қилмоқда. Азиз Иброҳимов бошлиқ смена навбатчилари эса рўйхатдан ўтказиш бўлимида қутаётган йўловчиларни қабул қила бошлашди. Аэропорт телетайпидан Ашхободга хабар берилмоқда...

Шаҳримиз бош дарвозасининг одатдаги иш кунларидан бири ҳақида ҳикоя қилдик. Бу ерда кеча-ю—кундуз ҳаёт қайнайди. Айниқса ёз ойлари иш миқёси бир неча баробар ошади. Коллектив бу йил 2,1 миллионга яқин йўловчига хизмат кўрсатишга аҳд қилган. Аэровокзал коллективининг асосий диққат-эътибори йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, уларнинг вақтини тежаш, самолётларнинг ўз вақтида учишини таъминлаш учун иши пухта ташкил этишга қаратилган.

М. АБДУЛЛАЕВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.

• РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

КУБА УЧУН ПОДСТАНЦИЯЛАР

Чирчиқдаги трансформатор заводида Куба учун мўлжалланган комплекс трансформатор подстанцияларининг тажриба нусхаси тайёрланди. Конструкторлар бу тажриба нусхасини иссиқ иқлимда фойдаланишни ҳисобга олиб ишлаб чиқдилар.

Корхона шу йилнинг ўзидаёқ кубалик дўстларимизга ана шундай маҳсулотнинг дастлабки туркумини етказиб беради.

МОНТАЖ БОШЛАНДИ

Қўшработ районидаги Свердлов номли совхоз-заводнинг цехида бир соатда 20 тонна узумни қайта ишлайдиган линия монтаж қилина бошланди. Бу линия узум узиб олиш мавсуми бошлангунга қадар ишга туширилади ва узум шарбати ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имконини беради.

ҲАШАР УСУЛИДА

Нурота районидаги «Ғозғон» совхозининг қорақўлчилари ҳашар усулида шифохона қурдилар. Шифохонада туғруқхона, лабораториялари бўлган терапевтика, болалар бўлимлари, даволаш кабинетлари бор. 50 ўринли шифохона атрофига гуллар ўтказилган.

[ЎзТАГ].

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ОПА-СИНГИЛ ПЕШҚАДАМ

Муҳаббат ва Дилором Далабоевалар беш йилдирки Тошкентдаги «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилишади. Қизлар ишлаб чиқариш технологиясини яхши ўзлаштириб, маҳсулот сифатининг аъло даражада бўлишига ҳаракат қилишяпти.

Муҳаббат ва Дилором бир-бирларини ўзаро социалистик мусобақага чақиришган. Ҳозирги кунда Дилором опаси Муҳаббатдан ҳам ўзиб кетди. У ўз план топшириқларини 130 процент бажармоқда.

Муҳаббат ҳаётида яқинда қувончли воқеа содир бўлди. У Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Дилором эса цех комсорги, бригада етакчисидир. Опа-сингиллар бирлашма қошида ташкил этилган «Чевар қизлар» ансамблининг актив аъзолари. Опа-сингиллар ҳозир 1979 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Н. НАБИЕВА.



«Узсельхозтехника»нинг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводи коллективи республикамиз қишлоқ механизаторларига кўп миқдорда трактор двигателларини ремонт қилиб бераяпти, қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилишда фойдаланиладиган гидравлик прессларни тайёрлаб жўнатмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор йиғувчи слесари Владимир Бинов ва бўёқчи Тарзима Шарипова янги прессларни тайёрлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

„Тошкент оқшоми“ ва „Вечерний Ташкент“

НАЗОРАТ ПОСТИ

- КВАРТАЛ ТОПШИРИҒИ УДДАЛАНМАДИ
- АПРЕЛЬ ВАЗИФАСИ БАЖАРИЛМАДИ
- 18-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИ СУСТ ИШЛАМОҚДА

Ҳамкорлик бўлмагач...

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси ва ип ишлаб чиқариш-бўяш корхонаси реконструкция қилинаётганлиги, қурилиш ишлари давомида бир қатор камчиликлар ва ноаниқликлар содир бўлаётганлиги хусусида аввалги мақолада ёзилган эди. Қурилишда ўтказилган сўнгги планёркада газетада ёзилган камчиликларга барҳам берилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Биринчи кварталда планда белгиланган 400 минг сўм ўрнига 410 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлса-да, объектдаги айрим камчиликлар кишини ташвишга солмоқда. Қурувчиларнинг зиммаларидаги вазифалар ғоят улкан. Улар бу йил 2 миллион сўмлик бинокорлик ишларини бажаришлари лозим. Бироқ бинокорлар биринчи кварталда 442 минг сўмлик қурилиш ишларини адо этиш учун қабул қилган топширилган социалистик мажбуриятларини бажара олишмади.

Вақт кутиб турмайди. Барча участкаларда иш суръати ва сифатини ошириш керак. Чунки иккинчи кварталда 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилган. Қурилишнинг бош пудратчиси «Ташпромстрой» трестига қарашли 63-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи иккинчи кварталнинг биринчи ойида 147 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришга лозим эди. Лекин план бажарилмади. Бунда ёрдамчи пудратчи «Спецэлеватормельстрой» трести 18-кўчма механизация колоннаси коллективининг айби катта.

18-кўчма механизация колоннаси (бош инженери В. Е. Ставицкий) пардозлаш фабрикасининг маъмурий-хўжалик корпусида темир-бетон ва металл конструкцияларини монтаж қилиш билан бирга, бош энергетика бўлимининг ремонт-механика цехи қурилишида ҳам меҳнат қилмоқда. Бу ерда иш фронти кўп, лекин объектда атиги етти нафар киши ишлаяпти. Уларнинг қарамоғида битта кўтарма кран бор. Шунинг учун ҳам улар шу кунларда графикда белгиланганидан уч марта кам ҳажмда иш бажаришяпти.

Бу ёрдамчи-пудратчи ташкилоти вакили ўз навбатида объектдаги қолоқлик сабабларига «Главстройиндустрия»нинг темир-бетон буюмлари заводи айбдор, демоқда. Чунки завод маъмурий-хўжалик корпусининг биринчи қаватига ўрнатилиши керак бўлган иккита колоннани етказиб бергани йўқ. Колонна бўлмаса, бошқа ишни ҳам бажариб бўлмайди. «Главстройиндустрия»га қарашли 2-ёғочни қайта ишлаш заводи ҳам ремонт-механика цехи учун дурадгорлик буюмларини ўз вақтида тайёрлаб бермади.

Юқори қувватли электр термоги трассаси қурилишида ҳам хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Бу ерга 18 та таянч ўрнатилиши лозим. Бу ишларни «Средазэлектросельстрой»га қарашли ихтисослаштирилган қурилиш монтаж бошқармаси (бошлиғи А. А. Алижонов) бажариши керак. Ёрдамчи-пудратчилар объектдаги бузилиши кўзда тутилган барча иморатлар бузиб ташланмагунича иш бошлаш ниятлари йўқ.

Буюртмачи—тўқимачилик комбинати ҳам қурилишга компрессорлик станциясининг жиҳозларини, трансформатор подстанцияси қурилмаларини, ишлаб чиқариш-бўяш цехи учун ёритгичларни қурувчиларга тезроқ етказиб бериш хусусида бош қотирмаяпти.

Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раҳбарлигида ўтказилган сўнгги планёркада бош пудратчи вакили 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери К. Никодамов ва қурилишнинг барча қатнашчилари реконструкция ишларини белгиланган график асосида олиб бориш йўлидаги камчиликларни тез орада бартараф этишга қатъий қарор қилганликларини билдиришди.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Голос текстильщика» кўп нусхали газета редакцияси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Қ. ҚОБИЛОВА, М. ҚУЧҚОРОВА: Биз Тошкент Давлат медицина институтининг бир группа студентлари кундузи ўқиш билан биргаликда бўш вақтимизда тикишбичиш сирларини ўрганмоқчимиз. Қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Жавоб: Ҳамза кўчаси,10-уйда Охунбобоев номидаги маданият уйи жойлашган. Бу ерда бир йиллик бичиш-тикиш курслари ишлайди. Ҳафтада икки кун ўқиш бўладиган бу курсларда ҳозир 38 та группа ишламоқда. Курсга ўқишга кириш учун турган жойингиздан справка, иккита 3х4 расм, ариза ва 60 сўм тўлашингиз керак. Справка учун 44-35-66 телефонига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

* * *

Н. ИЎЛЯХШИЕВ: Бирор идоранинг қоровули меҳнат отпускасига чиқса, унинг ўрнида ишлаётган кишига ҳақ тўланадими?

Жавоб: Агар меҳнат отпускасига кетган қоровул ўрнига бошқа одам маъмурият буйруғи билан ишга ўтказилса унга албатта ҳақ тўлаш керак.

* * *

Г. ОРИПОВА: Медицина асбобларини қаерда тузатиш мумкин?

Жавоб: Шаҳримиздаги ҳалқа йўлига жойлашган 2515-автобаза ёнида геофизиклар шаҳарчаси жойлашган. Ана шу ерда медицинага оид барча турдаги асбобларни тузатиб берадиган эксперимент завод жойлашган. Бузилган медицина асбобингизни ана шу корхонага топширсангиз бир ҳафта. Ўн кун мобайнида тузатиб беришади.

* * *

М. ЮСУПОВА: Шаҳримизда самовар ва электр чойнакларни занглаб қолса уларни қайта оқартириб берадиган устахоналар борми?

Жавоб: «Металлобитремонт» комбинатига қарашли ўнга яқин пунктларда самовар ва электр чойнакларни худди янгидек қилиб оқартириб берадиган устахона ишлаб турибди. Булар Қизилтут кўчаси, 43-уйда, Ипподром кўчаси 186-уйда, 1 Май ва Паркент бозорларида жойлашган. Буюртмалар уч кундан беш кунгача муддатда бажариб берилади.

* * *

А. ТОЛИПОВ: Мен ҳадемай ўрта мактабни тугатаман. Трамвай бошқаришни истардим. Ана шу касбни қаерда ўрганса бўлади?

Жавоб: Трамвай ва троллейбусларни бошқаришни ўрганишни хоҳлаган ҳар бир ҳамшаҳримиз Красновосточная кўчаси, 3-уйга жойлашган кадрлар бўлимига мурожаат қилиши мумкин. Трамвай ҳайдовчилиги касбини эгаллаш учун тўрт ой, троллейбус ҳайдашни ўрганиш учун эса беш ой ўқилади. Ўқувчилар 60 сўм стипендия билан таъминланади. Красновосточная кўчасига 71, 73 62, 69, 17-автобуслар ва 13, 22-трамвайлар билан борилади.

КУЧА ТАРОНДАРГА ТЎДА

ГАИ АХБОРОТИ

Анна Алексеевна Яшченко 211-кечки мактабда фаррош бўлиб ишлайди. У ишга боришдан олдин бир шиша винони жиғилдонига уриб олди. Шундан кейин мактаб томон йўл олдию, лекин у ерга етиб бораолмади. Горький номли майдонга келганда тротуар четига тутилган металл тўсиқ бўлатуриб, яқинлашиб келаётган транспорт тезлигини ҳисобга олмай, кўчанинг қатнов қисмини кесиб ўтмоқчи бўлди. Бу уринши Яшченко учун ёмон натижа билан тугади. Уни Ю. Нечкин бошқариб келаётган ГАЗ— 24 00—47 ТНЗ енгил автомобили уриб юборди. А. Яшченко бош мияси қалқиган ва елка суяги синган ҳолда 15-шаҳар касалхонасига келтирилди.



Ранг-баранг гулли, пишиқ-пухта ва нўрлам газмоллар кимга ярашмайди, дейсиз. Бундай чиройли кийимликларни Тошкент тўқимачилик комбинатининг моҳир тўқувчилари ишлаб чиқаришади. Бунда ленталарни ростлаш цехининг илғор ишчиси Гулистон Сандазимованинг ҳам ҳиссаси катта.

СУРАТДА: Г. Сандазимова ип ленталарини тайёрламоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси, (ЎзТАГ).



Одоб—инсон ҳусни

БОЛАНИ ЭРКА ҚИЛМАНГ

ОТА-ОНАГА фарзанддан азиз нарса йўқ. Фарзанд — ота-онанинг қувончи-ифтихори, дилбанди, умр чорагбони. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини емай-едириб, киймай-кийдириб, кечани-кеча, кундузи-кундуз демай елиб-югуриб камолатга етказади, унга дарё меҳрини, қуёшдек иссиқ бағрини бахшида этади, орзу-умидини, бахтини, келажагини шу фарзанд тақдири билан боғлайди.

Ҳаммасидан қатъий назар, ота-она фарзандидан келажакда бирор нарса кутишкутмасидан қатъий назар фарзандини доим бошига қўйиб, асраб-авайлаб, асал-қандим деб тарбия қилаверади. Болага яхши тарбия бериш ҳар бир ота-онадан катта меҳнат, машаққат талаб қилади. Кексалар, «Болангни яхши кўрсанг, одобига айнима», дейишади. Ота-она яхши умид-орзу билан фарзанд қилиб, уни ўз дилбанди деб билгандан кейин фарзандининг яхши одам бўлишини, кўпчилик ўртасида ҳақиқий инсон бўлишини ният қилади. Лекин ҳеч бир ота-она: «Фарзандим ёмон одам бўлсин», деб ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳақда ажойиб ҳикмат ҳам бор:

Ўғил-қиз яхши иш қилса, ким суюнар ота-онадек?
Ўғил-қиз ёмон иш қилса, ким куюнар ота-онадек?

Ота-она фарзандининг яхши одам бўлишини ўйлаши, унга доим куйиниши, атрофида чироқ капалагидек парвона бўлишини ҳаммамиз биламиз. Лекин ота-онанинг чексиз меҳр-муҳаббатлари туйғулари остида ўз фарзандларига аста-секин таъсир қилиб борадиган — иллат огуси бор. Бу иллат огуси — болани ҳаддан ташқари эркалаш ва талтайтиришдир.

Болани эркалик қилма, бошингни ерга эгма. Бу гапда жон бор. Агар болани ҳадеб эркалатаверилса, ўжар, тажанг, айтганини қилдирадиган, яхши-ёмон йўлга юришла ўз билан ўжар ёки мўмин, шўх ёки босиқ, унинг ўз хулқ-атворидан келиб чиқиб муомала қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Боланинг раъйига қараб иш тутиб, унинг ҳамма айтганларини ва буюрганларини бажаравериш ёмон оқибатга олиб келишини кўпчилик ота-оналар яхши билишади. Лекин шуни била туриб бунга лоқайдлик билан, бепарволик билан қараган баъзи ота-оналарга ачинасан киши!

Мана бир мисол. Ҳар куни эрталаб Шоикром деган киши шахсий «Жигули» машинасида ўғли Исломни боғчага олиб келади. Боғча билан улар турадиган уй ораси 200 метрдан ошмайди. Шоикром «Жигули» машинасининг «тумшуғи»ни боғча дарвозасига тирагудай қилиб тўхтатади. Шунда ўғли Ислом тажанглик қилади:

— Боғчанинг ҳовлисига олиб кирмайсиз, бўлмаса машинадан тушмайман.

— Ўғлим, дарвозани қулф-ку.

— Айтинг, дарвозани очишсин.

— Юринг, ўғлим, сизни боғчага ўзим кўтариб кираман.

Шоикром «ҳирсдай» ўғлини машинадан кўтариб олиб боғчага олиб киради. Ҳар куни аҳвол шу. Шоикром тантиқ ўғлини боғчага «Жигули»да олиб келишини канда қилмайди. Ўзингизга маълум, ҳамманинг ота-онаси ҳам боғчага боласини машинада олиб келмайди. Исломнинг «Жигули»да келганини кўрган баъзи болалар ота-оналарига: «Мени ҳам боғчага машинада олиб боринг» деб ҳарҳаша қиладилар, тушунганлари эса Исломнинг сариқ «Жигули»дан тушаётганини кўришни ўкинишади. Шоикромнинг ҳеч нима билан иши йўқ. У ўғли Исломнинг тарбиясини бузилаётганини ҳам, болалар уни ҳар куни машинадан тушаётганини кўриб ўкишаётганини ҳам, ҳаркаш қилишаётганини ҳам билмайди. Бу одамнинг фарзанди эртага ким бўлар-кин? Худбин, ҳеч кимдирий.— Бир вақт ҳали теварагимизда расм бўлмаган чоқда, мен велосипед ҳавас қилиб қолдим. Табиий, велосипед олдиришга бибимни восита қилдим. Шунда у деди:

— Велосипед олиб беришга оқчам бор, лекин олиб бермайман...

— Нега, болам?

— Айтинг-чи, ойи, ён-веримизда кимнинг боласи велосипед минаётир?

— Биров билан нима ишинг бор?

— Тушунмайсиз... Кўпчилик билан баробар бориш керак. Ҳабибулло велосипед минса бошқа болаларнинг кўнгли ўксийди, қўшнилар уйида жанжал бўлади, сиз-мендан улар ранжийди...»

Болани раъйига қараш, эркалаш энг заррур пайтлардагина, шунда ҳам меъёри билан бўлиши, албатта бу ҳолат бошқаларнинг дили оғриши ёки кўнгли ўксиши ҳисобига бўлмаслиги керак. Кўп болали оилаларда ота-она баъзан бирор фарзандига алоҳида ихлос билан қарайди. Бунда оиладаги қолган болалар хайрон бўлишади. Кўнгиллари ўксишади. Оиладаги кўп болалар орасида биттасига бундай «алоҳида кўз» билан қараш адолатдан бўлмайди. Шунинг учун ҳам кексалар битта болага алоҳида ихлос қўйган ота-онага танбеҳ беришиб: «Ал ҳирси — маҳрум» дейишади. Бу деган ҳадеб суюклигингни пайпаслайверма, яна ундан маҳрум бўлиб қолмагин, деган маънони беради. Мана шундай оилада ўсган бошқа болалар ўжар бўлиб, ота-она бирор иш бу-юрганда дарҳол: «Ана ви эркангизга айтинг, ўша қилсин» деб терс жавоб берадиган бўлиб қолишади. Ҳатто кейинчалик ота-онанинг «эркатой боласи»-ни яккалаб ҳам қўйишади.

Кўпчилик ўзбек оилаларида болаларга тарбия беришда эркалаш, талтайтириш билан бирга ножўя, ўта даражада қаттиққўллик қилинади. Болаларни шапатилаш, қўлга камар олиб дўқ қилиш, дағдаға қилиб ёш қалбни зириллатиш, ҳақоратли сўзлар айтиш, лақаб қўйиш, турли йўллар билан камситиш— буларнинг ҳаммаси болани ота-онадан бездиради, унинг бетини қотиради. Ўжар ва сўз юқмас бўлишига олиб келади. Агар сиз болани қаргаб-сўксангиз, ҳақорат қилсангиз ундаги энг нозик тўйғулар ўтмасланиб бошлайди, оқибатда у дағаллашиб, қўпол одам бўлиб қолади.

Осмон— офтоби билан, инсон — одоби билан, деганларидек, аввало ота онанинг ўзи ибратли бўлиши, фарзандлар уларга ҳавас қилиши, ота-оналарини кўрганларида зўр иззат-икром билан қарши олишлари «Менинг шундай отам, онам бор» деб, фахрланишлари, уларнинг ҳар бир сўзини тиллога тенг билишлари керак.

Ота-она ўғил ёки қизига бақириб-чақириш ўрнига ҳар бир нарсани яхшиликча тушунтиришлари мумкин:

— Ўғлим, сен буни яхши қилмабсан, мен ҳафа бўлдим, бу иккинчи такрорланмасин.

— Қизим, эртадан бошлаб уйга вақтида келинг, мени ҳафа қилманг.

Ёки ота-она ўз шахсини ибрат қилиб кўрсатиши мумкин:

— Ўғлим, меҳнат қилиб, ҳалол топган обрўйимизни тўкма, сен ножўя иш қилсанг маҳаллада ким деган одам бўламиз?!

— Қизим кимсан фалончининг қизи бўлатуриб, шунақа қилиниб юришинг яхшими? Мени ҳафа қиляпсан, она қизим.

Яхши отга— бир қамчи, деган гап бор. Фарзандингизни болаликдан асраб-авайланг, лекин эркка қилмай, тантиқлантирмай ўстирсангиз, уни ўқишга, меҳнатга, рўзғор «ишқ-чиқир»лар и г а мунтазам аралаштириб борсангиз, кўчакўйда, уйда, дўст-ўртоқлари ўртасида юриш-туришидан хабар олиб турсангиз, у яхши одам бўлиб етишишига ишонинг. Фарзандингиз —дилбандингиз бўлсин.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ЯХШИ АМАКИ

Бир киши метрога кириладиган эшикни ушлаб туриб, ёш болали аёлни олдинга ўтказиб юборди:

— Ойи, анови амаким нега эшикни ушлаб турдилар?

— Эшик бизга урилиб кетмасин деб.

— Бу амаки жуда яхши-лар?

— Ҳа, сен ҳам катта бўлганингда ҳамиша шундай қил, ўғлим.

ҚУШНИЛАР

— Аҳмаджон, стулларни у ёқдан-бу ёққа сураверма, ўғлим.

— Нега ойижон?

— Пастки қаватдаги болалар ухлашаётган бўлса, тарақлаётганини эшитиб безовта бўлишади-да.

НАРГИЗАНИНГ САЛОМИ

Шоира опа қизчаси Наргизани кўтариб кўчага чиқдида скамейкада ўтирган аёллар олдига борди.

— Ассаломалайкум, — деди у аёллар билан кўришаркан, — сизлар билан ўтирсам майлими?

Шу пайт кичкина Наргиза жажжи қўлларини кўксига қўйиб:

—Чалом! — деб бошини эгди.

— Вой, айланай,— дейишди аёллар ялпшиб, — Наргиза нечага кирди?

— Бир ярим ёшга! — деди Шоира опа салом берган қизини қувоч билан ўпиб.

ТАЪЛИМ ОДОБИ

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИНнинг «Одоби таълим» китобидан)

Мактаб ва шогирдлар ахлоқи

Ўқувчиларни тарбиялаш муаллимларнинг зиммаларида бўлгани каби, мактаб ҳолига, тартиб-интизомига ҳам (агар махсус тайин этилган назоратчи бўлмаса) албатта уларнинг зиммаларига юкланади.

Бир ўқувчи овқат ейишга, иккинчиси ёзишга, учинчиси ўқишга, тўртинчиси соч тарашга, бешинчиси уйқуга машғул бўлса, вой у мактабнинг «эркатой боласи»-дир. Бундай мактаб тартибсиз, интизомсиз мактаб демакдир.

Мактабда бўлган интизом ва гўзал идора ташқаридан кириб келган кишига бир муборак илм уйи эканини кўрсатиб турсин. Ўқувчиларнинг соғлом вужудга эга бўлишларига жуда ҳам аҳамият бериш лозимдир. Ўқиш, ёзиш, мутолаа ва такрорлаш вақтларида қўлкакка зарар берадиган равишда ўтиришдан манъ этиб, зарар хавфи бўлмаган равишда ўтиришга ўқувчиларни одатлантириш керак. Шунинг учун муаллим бўлган зотлар назоратларига топширилган болаларни ҳифзи сиҳат қоидаларини бўйича тарбия қилишлари лозимдир. Мабодо шогирдлардан бири касалланиб қолса, дарҳол шифокор чақириш керакдир.

Шогирдларнинг баданларини касалликдан сақлаш нақадар муҳим бўлса, фикрларини ҳам маънавий касалликлардан сақлашга саъе этиш ундан ҳам кўпроқ лозимдир. Чунки бадан касаллиги дори-дармон ёрдами билан, шояд, тузалиб кетиши мумкин. аммо фикр касалланса, вой устига войдир. Фикр касаллиги энг кўрқинчли касалликдирки. бунинг тузалиши жуда ҳам мушкулдир. Фикр касаллиги маънавий бадодирки, баъзи вақтда бутун халққа тараллиб уни ҳароб этиши мумкин.

Зеҳн кўтара олган даражадан ортиқча, ёки асл фан билан муносабати бўлмаган нарсаларни қориштириб дарс бериш, шогирдларни дам олдирмасдан узоқ вақт дарс устида тутиш. ўзи яхши билмаган нарсани ўқувчиларга ўқитиш —мана буларнинг ҳаммаси фикрни касаллантирувчи нарсалардан саналади.

Болаларнинг баданларига фойда берадиган ўйинларга уларни ташвиқ этиш, қизиқтириш тавсия этилади. чунки саломатлик ҳар нарсадан олдин лозим бўлган нарсадир. Юриш. шеър эшитиш. музика тинглаш фойдали бўлиб фақат булар муаллимлар кўзи олдида бўлиш шартдир.

Мактаб ҳузурида ҳунар бўлими ташкил этиб, болаларга ҳунар ўргатилса, уларнинг саломатликларига. келгусида маишатларини таъмин этишга зўр ёрдами тегади. Шунинг учун ҳамма мактабда болаларга ҳунар ўргатиш лозимдир.

Ахлоқ ва тарбияга зид бўлган ҳикоя, қиссаларни ўқишдан, кўришдан, эшитишдан болаларни манъ қилиш лозимдир. Бундай нарсалар болаларга зарарли таъсир этиб, кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

СТЕНДАЛЬ

ҚИЗИЛ ВА ҚОРА

РОМАНДАН БОБЛАР

Дунё адабиёти тарихида шундай адиблар борки, уларнинг асарларн бутун инсониятнинг бойлигига айланган. XIX асрда яшаб ижод этган буюк француз ёзувчиси Стендаль шулар жумласидандир.

Унинг «Қизил ва қора» романи ҳанузгача ўқувчиларнинг севимли китоби бўлиб келмоқда.

Асарда оддий дурадгорнинг ўғли Жюльен Сорелнинг жамиятда ўз ақли ва иқтидорига яраша ўрин олиш учун кураши тасвирланади. Жюльеннинг бу кураши фожеа билан тугайди, Бурржуа жамиятида бунинг акси бўлиши ҳам ийкин эди.

Эзгулик ва қусур, мунофиқлик ва саммият ўртасидаги кураш романда ўзининг ёркин аксини топган. Унинг «Қизил ва қора» дея номланишининг бойиси ҳам ана шунда.

Роман шу йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилади. Қуйида шу романнинг айрим боблари билан танишасиз.

З Е Р И К И Ш

Ўз эҳтиросларинг қурбони бўлиш! Бунга чидаса бўлади. Бироқ, ўзинг ҳис этмайдиган эҳтиросларга қурбон бўлиш! О, бечора XIX аср!

ЖИРОДЕ.

АВВАЛИГА де Фервак хоним Жюльеннинг узундан-узоқ мактубларини лоқайдгина ўқиб юрди, бироқ бора-бора бу мактублар унинг фикри-хаёлини кўпроқ банд эта бошлади, лекин хоним бир нарсадан ташвишга тушиб қолган эди. Минг афсуски, жаноб Сорель руҳоний эмас! Ана ўшанда, эҳтимол, у билан бир оз яқинликка йўл кўйса бўларди. Бироқ у манови орденни тақиб, манови граждан ча кийимда юрар экан, мен одамларнинг ҳар хил пичингли саволларидан ўзимни қандай сақлайман ва уларга нима деб жавоб бераман? У ўз фикрини охиригача айтмаётган эди. «Бирон та ҳасадгўй дугонамнинг миясига у миллий гвардияда хизмат қилиб, орден олишга эришган ва ота томонидан қариндош бўлган бирон та майда савдогарлардан бўлса керак, деган фикр келадию, кейин у бу гапни ҳаммага баҳонудил айтиб юради».

Жюльен билан учрашгунига қадар де Фервак хоним ўз номи ёнига «маршал беваси» деб ёзар экан, ниҳоятда ҳузур қилиб юрарди. Энди бўлса бу иззатталаб хонимнинг сал нарсага азият чекадиган нафсонияти дилида уйғониб келаётган гуйғуга қарши кураша бошлади.

«Мен учун уни Парижнинг энгинасидаги бирон та приходга катта викарий қилиб жойлаштириб қўйишдан осони йўқ эди! Лекин унинг оддийгина жаноб Сорель эканлигига чидаб бўлмайди, бунинг устига жаноб де ля Молнинг дастёр секретария! Йўқ, даҳшат бу!!!».

Ҳамма нарсадан хавфсирайдиган бу аёлнинг қалби умрида биринчи марта аслзодалик ва жамиятдаги нуфузли ўрин даъвоси билан боғлиқ бўлмаган қандайдир қизиқишдан ҳаяжонланмоқда эди. Кекса швейцар доим маъюс юрадиган анови барно йигитнинг мактубларини топшираётганида бекаснинг чеҳрасидан паришонхотир ва норози ифода бир зумда ғойиб бўлишини сезиб қолди, маршал бевасининг хизматкорлар олдида доим шундай қиёфага киришни лозим кўрарди.

Гарчи эришаётган муваффақиятларидан аслида ўзи сира ҳам қувоймаса-да, шуҳратпарастлик ва жамиятда яхши таассурот қолдириш истаги билан суғорилган бу зеркарли ҳаёт, хонимнинг қалбида Жюльенга нисбатан қизиқиш уйғонганидан бўён, унинг шу кадар меъдасига урдики, кечкурун у ҳечмаса бир вақтини бу ажойиб йигит билан ўтказса кифоя эди, — шунда эртаси куни оқсоч қизлар ўзларини хотиржам ҳис этишлари мумкин бўлар-ди: хоним дакки беравериб уларни безор қилмасди. Ҳатто жуда устамик билан ёзилган имзосиз мактублар ҳам Жюльен қозонган бу ишончга путур етказа олмади. Жаноб Тамбо де Люз, де Круазнуа, де Кайлюс жанобларига анча маҳорат билан тўқиб чиқарилган икки-учта туҳмат гапларни шипшитган эди, бу жаноблар дарҳол, ўша гапларда хиёл бўлса-да, ҳақиқат борми ёки йўқлигини текшириб ўтирмай, уларни бажонудил ҳаммага тарқата бошлашди. Ўз ақл хусусиятига кўра бундай қўпол найрангларга қаршилик кўрсата олмайдиган де Фервак хоним ўз шубҳаюгумонларини Матильда билан ўртоқлашар, қиз эса ҳар гал уни тинчитишга ҳаракат қилар-ди.

Бир куни, хизматкорлардан икки-уч марта, хат келмадими дея суриштиргач, де Фервак хоним дафъатан Жюльенга жавоб ёзиш керак деган қарорга келди. Йигитнинг бу ғалабасини хонимнинг зеркишига нисбат бермоқ лозим бўларди. Бироқ иккинчи мактубдаёк хоним тараддудга тушиб қолди — унинг назарида: маркиз де ля Молнинг уйидаги жаноб Сорелга деган жирканч адресни ўз қўли билан ёзса, бу иш шаънига мутлақо мос тушмайдигандек туюлди.

— Менда сизнинг адресингиз ёзуғлик конвертлар бўлмоғи керак, — деди у кечкурун Жюльенга иложи борича қуруқ бир оҳангда.

«Мана, ўйнаш-малай аҳволига ҳам тушиб қолдик» — дея ҳаёлидан ўтказиб таъзим қилди. Жюльен бадхоҳлик билан ўзини маркизнинг кекса малайи Арсенга ўхшатиб тасаввур этар экан.

Ўша кечанинг ўзидаёқ йигит хонимга конвертлар элтиб берди, эртаси куни эрталаб эса ундан учинчи хатни олди: у мактубнинг бошидан беш-олти сатр, охиридан икки-уч сатрга кўз югуртириб чиқди. Хат майда ёзув билан тўлдирилган роппа-роса тўрт саҳифадан иборат эди.

Аста-секин ҳар куни хат ёзиш ширин бир одат тусига кирди. Жюльен рус мактубларини жобажо кўчириб жавоб қайтарарди. ушбу сохта услубнинг фазилати шунда эдики, де Фервак хоним унинг жавоблари ўзи йўллаган номаларга деярли мувофиқ келмаслигидан сира ажабланмасди.

Агар ўз хоҳиши билан жосуслик вазифасини олган ва Жюльеннинг ҳар бир қадамини кузатиб юрган писмиқ Тамбо маршал бевасининг барча мактублари конверти очилмай йигитнинг ёзув столи тортмасида қалашиб ётганини сезиб қолиб, буни унга айтиб берганида, хонимнинг ғурурига қаттиқ ништар урилган бўларди.

Бир куни эрталаб швейцар кутубхонеда ўтирган Жюльенга де Фервак хонимнинг

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Учрашув ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди. Буни сабаби бор эди. Шу куни «Пахтакор» фақат турнир пешқадами билан эмас, балки, аввал ўзини икки марта мағлубиятга учратган команда билан майдонга чиқди.

Учрашув разведкасиз бошланди. Ҳар икки команда ҳушёрлик билан ҳаракат қила бошлади. Улар асосан майдон марказини эгаллаб олишга аҳамият беришди.

29-минутда меҳмонларнинг дарвозани аниқ нишонга олишларига оз қолди: Чевадзе тўпни жарима майдонига етказиб берди, аммо Коридзе унга ўз вақтида етиб боролмади. Бир неча дақиқа ўтганидан кейин Шенгелия қулай имкониятда туриб, тўпни дарвозага йўллай олмади. Ана шу икки муваффақиятсиз ҳужумдан кейин меҳмонлар тошкентликлар дарвозасини кетма-кет нишонга ола бошлашди. Мезбонлар уларнинг шиддатли ҳужумларини қайтаргани-дан кейин аста-секин меҳмонларнинг жарима майдонига яқинлаша бошлашди. 35-минутда Фёдоров чап қанотда туриб тўпни қабул қилиб олди. У икки ҳимоячини алдаб ўтиб майдон марказига ўтди ва тўпни Анга етказиб берди. У шароитни ҳисобга олиб тўпни югуриб келаётган Загуменнихга узатди. Загуменних тўпни бошқага етказиб бериб ўтирмади. Агар у шундай қилганида қулай имконият қўлдан бой берилган бўларди. У шароитни ҳисобга олиб тўпни тўғри меҳмонларнинг дарвозаси томон йўллади. Тўп аввал ерга тегиб сўнг тўрга бориб тушди. Орадан 5 минут ўтгандан кейин меҳмонларнинг ҳимоячилари қўпол хатога йўл қўйишди. Ҳимоячи дарвозабонга йўллаган тўпни Макаров эгаллаб олиб зарб билан уни дарвоза томон йўллади. Габелия уни қийинчилик билан қайтариб олди. Лекин тўп тўппа-тўғри Аннинг оёғига келиб тушди. У ҳеч қандай қийинчиликсиз тўпни дарвозага йўллади— 2:0.

Иккинчи таймда меҳмонлар ўйинга ўзгариш киритиш, асосан ҳужумга аҳамият беришлари аниқ эди. Худди шундай бўлди. Кипиани, Мочалзе, Коридзелар «Пахтакор»нинг жарима майдонида тез-тез пайдо бўла бошлашди. 48-минутда Кипиани жавоб тўпи киритишига оз қолди. Худди шу пайтда «Пахтакор»нинг услуби иш берди. Бу услуб очиқ ҳужум қилаётган командани дарвозасига кутилмаганда шиддатли қарши ҳужум уюштиришдан иборат эди.

Худди шундай қарши ҳужум ўйинининг 53-минутида уюштирилди. У дарвозани нишонга олиш билан ниҳояланади. Бу чиройли комбинация «Пахтакор» стадионига йиғилган барча футбол мухлисларини мамнун этди. Ҳужум шундай бошланди. М. Ан ўнг қанот бўйлаб катта тезликда олдинга бораётган Федоровни кўриб қолди ва тўпни унга етказиб берди. «Пахтакор»нинг энг яхши ҳужумчиси дарҳол тўпни жарима майдонига етказиб берди. Катта тезликда югуриб келган Чуркин уни дарвоза тўрига йўллади.

Э. АВАНЕСОВ.



Киль. Германия Федератив Республикаси. Ушбу суратда сиз кўриб турган одатдагидан ташқари яхтада соатига 100 километргача тезлик билан ҳаракат қилиш мумкин. Яхта гилдиракка ўрнатилган бўлиб, сув юзида эмас, асфальт бўйлаб юради.

ДПА—ТАСС фотоси.

• *Биласизми?*

АРАВАДАГИ ТАКСОМЕТР

Аҳолига хизмат қилиб, унинг узоғини яқин этаётган таксилар ҳам узоқ ўтмиш тарихига эга. Қадимги замонларда кўҳна Римда аҳолига хизмат қилувчи жамоат транспорти бўлган. Қизиғи шундаки, мазкур транспортер, яъни аравада биноийдек таксометр ҳам бўлган экан. Йўловчи киранашга ана шу таксометрга қараб ҳақ тўлаган. Тешиқчалари бўлган тишли ниҳнта барабан ва битта кичкина яшиндан иборат бўлган бу антиқа ҳисоблаш асбоби аравa гупчагидаги қувурсимон темир қисмга ўрнатилган. Ҳар беш минг фут (1,5 километрдан знёдроқ) масофадан кейин барабанлардаги тешиклар бирлашиб, ундан яшиқчага бир дона тош тушган. Манзилга етгач, яшиндаги тошлар миқдорига қараб йўловчи қанча масофани босиб ўтганини, киракаш эса қанча ҳақ олишини била олган.

ҲАР ТЎҒРИДА

● Ер планетасининг учдан икки қисми денгиз ва океанлардан иборат. Океан сувлари таркибида хилма-хил химиявий моддалар ниҳоятда сероб. Олимларнинг ҳисобига қараганда, жаҳондаги барча океан сувларида миллиард тонналаб олтин, кумуш, минглаб тонна радий бор экан.

● Ҳозирча ер юзидаги дарё сувларининг уч процентигина суғориш ишларида фойдаланилади. Лекин айрим мамлакатларда суғоришга кўп сув сарф бўляпти. Масалан, Нил сувининг 50 процентидан фойдаланилса, Сирдарёнинг 40 проценти далаларга тарқалмоқда.


● Шарқий Жазоирнинг ҳамам-Мекутин шаҳри яқинида ғалати бир булоқ бор. Булоқ сувига бир парча хом гўшт солинса бирпасда пишади-қолади. Чунки ҳўл суви ҳамиша қайнаб туради. Суви шўрлигидан гўштга туз сепишнинг ҳам ҳожати йўқ.

ТАБИАТ ҲИМОЯЧИЛАРИГА—ЧУҚУР БИЛИМЛАР

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биология-тупроқ факультети ҳузурида табиатни қўриқлаш халқ университети ишлай бошлади. Бу университет табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти ва унинг шаҳар бўлими ташаббуси билан очилди.

Университет тингловчилари — жамият активларидир. Улар сув ресурсларини муҳофаза қилиш, тупроқни эрозиядан сақлаш, атмосфера ва ер ости бойликларини ҳимоя қилиш ва бошқа актуал масалалар юзасидан туркум лекцияларни тинглайдилар. Республиканинг кўзга кўринган олимлари лекцияларни ўқийдилар.

(ЎзТАГ).



Тошкент ҳалқа йўли транспорт ҳаракатни учун жуда қулайдир.

М. Нуриддинов фотоси.

● РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚУШЛАРГА ҚАРШИ... УРУШ

Узоқ Танзанияда бўлаётган ҳар йилги бундай урушда самолёт ва вертолётлар қатнашади, қанчадан-қанча бомбалар, заҳарли модалар портлатилади. Бундай уруш мамлакатдаги қушларга қарши қаратилгандир.

Ткач деган беозор, чиройли қушлар чиндан ҳам хатарли душман чиқиб қолди. Ҳар йили мамлакат экин майдонларига 150 миллионта шундай қуш ёпирилиб келгандан кейин аҳвол мураккаблашиб қолади. Деҳқонларнинг айтишича бу қушлар чигирткадан ҳам баттар офат келтирар экан. Қушлар аввалига мана шу ўт уруғларини еб қаноат қилади, кейин дон экинлари пишди дегунча далаларга кўчиб, ҳосилнинг ярмидан кўпини еб битиради. Танзания ҳукумати бундай офатга қушларни қиришга жуда кўп маблағ сарфлаётган бўлсада, ундан сезиларли даражада наф кўрилмаяпти.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 11/V да **Травната.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 11/V да **Келинлар қўзголони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да **Муқаддас дин.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

11 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—**Қамал** (3 ва 4 сериялар, кечқуруни).

Тақдир— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (17.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20.40), ҲАМЗА номли (18.30, 21.00), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Қамал — «МОСКВА» (17), «НУКУС» (1 ва 2 серия, кечқуруни), «ЧАЙКА» (3 ва 4 серия, кечқуруни).

Узоқ урушдаги қисқа учрашувлар— «КЎКЧА» (кечқуруни).

Тиль ҳақида афсона— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).


ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир— «ХИВА» (20.30).

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ

1-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



СИЗЛАР МАКТАБДА 6 ОЙ ЎҚИШ ДАВОМИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛИГИ ИХТИСОСЛИГИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНИНИНГ ИСТАЛГАН МАГАЗИНИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАСИЗ.

Сотувчилик — қизиқарли касбдир. Одамлар билан ҳар минутда муомала қилиш унинг асосий фазилатидир. Сотувчининг сезгирлиги, гамхўрлиги, ҳайрихоҳлиги харидорларга яхши кайфият бағишлайди.

Сотувчилик — ижодий касбдир. Витринани чиройли безаш, молларни тўғри ва ўринли териб қўйиш, харид қилинган нозу-неъматни чиройли ўраб бериш учун яхшигина дидли ва чаққон бўлиш лозим. Сотувчилик касби катта назарий ва амалий тайёргарликни талаб қилади. Тажрибали сотувчилар бу ерда товаршунослик, савдо этикаси ва эстетикаси, экономика ва психология бўйича лекциялар ўқийдилар, уч ойлик практика эса келгусидаги ишлар учун етарли тажриба ва меҳнат кўникмасини беради.

МАКТАБ—МАГАЗИНГА 18 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Мактабда таълим бериш ишлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилди. Ўқувчилар ойига 53 сўмдан 63 сўмгача стипендия оладилар. Мактабда ўқиш умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактаб—магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан берилган характеристика, бор бўлса-меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см, ҳажмли).

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 16 квартал, 18-уй, (34, 54, 70, 75-автобуслар, метронинг «Чилонзор» станцияси» бекати). Телефонлар: магазин — 77-26-88, кадрлар бўлими — 77-64-63.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«КОМПРЕССОР» ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
138-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: токарь, фрезерчи, газ-электр пайвандчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, йиғувчи-слесарь, хрусталь ва шиша буюмларга сайқал берувчи.

Ўқиш муддати — 1—3 йил (ёши ва танлаган мутахассислигига боғлиқ).

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги тошкентлик йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битириб чиққанлар ўрганган ихтисоси бўйича аттестат ва ўрта маълумот тўғрисида аттестат оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўригига билим юртида утказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси», 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларини тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналари бўйича электромонтёр.

Ўқишга ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Контакт ва кабель тармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

Ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Грамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

Ўрта маълумотли 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Енгил юк ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

Техника билим юрти программаси бўйича ўқишга қабул қилинганлар ҳар онда 50 сумдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, кантакт ва кабель гармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтер, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ётоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўригига билим юртида утказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси», 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

11 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 И. Гайдн. Виолончель ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. Ижро этадилар П. И. Чайковский номли V Халқаро конкурс лауреати С. Балтоян (Болгария) ва Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри. Дирижёр — Қозогистон ССР халқ артисти Ф. Мансуров. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университет», «Тинчлик учун қураш авангардида». 19.15 Белорус Давлат халқ хорининг концерти. 19.45 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Останкино концерт студиясида Р. Казакованинг ижодий кечаси. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Красноярь ёшлиги». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Зангори экран» почтаси». 19.15 «Ахборот». информацион программаси (рус.). 19.30 «Само ва ер оралигида». Ҳужжатли фильм. 19.50 «Шеърият билан учрашув». Омон Мухтор. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдурайим Аҳмадий куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Иқтисодий билимлар — оммага». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Бегона хатлар». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Классик куй саҳифалари» 21.00 «Қизиқарли математика» 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

12 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Олға, болажонлар». 10.35 «Китнинг тишини қандай қилиб суғириб олиш мумкин». Телевизион бадиий фильм (ЧССР). 12.15 «Рус романси». Программада М. Глинка, П. Булахов, А. Гурилев асарлари. 15.30 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.30 Куйбишев педагогика институти академик хорининг концерти. 17.00 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун.

17.30 «Москва ва москваликлар». 18.00 «Горячилар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». 19.10 «Фан оламида». 19.40 «Граф Люксембург». Телевизион музикали спектакль (Ф. Легарь оперетаси асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Одам эволюциясининг этап ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Кама тўқувчилари», «Шахсий иш». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Одам эволюциясининг этап ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида хикоялар» (рус.). 13.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Май қувончлари». Адабий-музикали композиция.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Синюшканинг қудуғи». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.45 «Есенин яна Тошкентда». Адабий кўрсатув (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мангу жилолар». Телевизион ҳужжатли фильм. («Узбектелефильм»). 19.40 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. «Уч қитъа киносанъати». Кўрсатувни киношунос Саодат Ҳўжаева олиб боради. 2-кўрсатув (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «13 терак кўчаси». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Ўқитувчилар учун консультация. 21.05 «Тошкент ва тошкентликлар». (рус.). 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Снесия иқтисод.

«Уздорресторан» трести коллективи трест бошқарувчисининг ўринбосари Е. Т. Исомиддиновга рафиқаси

Санталат ИСОМИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 11 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-28-70; ҳисобот бўлими — 38-81-42.

Р—06453. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Назр—Д—1305.